

Аёл қалби —
ўқилмаган китоб



Давра тўридаги
одам

Биринчи бахтим...
сувларга оқди!



Ульяна Лондонга
боради



БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, МУҲТАРАМ ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР!

*“Муаллим зоти эзгулик ва маърифат йўли-
нинг беминнат чароғбонидир”.*

Алишер НАВОИЙ



Шавкат
СУЛТОНОВ
сурат-лавҳаси

Юртимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ таълим соҳасига эскича ёндашувлардан воз кечилди, миллий анъаналаримиз ва жаҳоннинг илғор тажрибаларига асосланган янгича тамойиллар бўйича иш олиб борилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш дастури-нинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида таълим-тарбиянинг узлуксиз тизими яратилди. Шу аснода педагог ходимларнинг жамиятдаги ўрни ва ҳурмати ҳам юксалиб борди. Айниқса, Юртбошимиз ташаббуси билан 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунининг умумхалқ байрами деб эълон қилингани соҳа ходимларига кўрсатилаётган юксак эҳтиром ифодаси бўлди. Зеро, устозларни ардоқлаш халқимизнинг азалий ва, айни пайтда, истиқлол йилларида янгича мазмун касб этган қадриятларидан бири саналади.

ЖАРАЁН

— Аввало, жамиятни, қолаверса, унинг асосий бўлими бўлмиш оилани бирлаштириб, фэйз-барак киритадиган, хонадонларимизни меҳру муҳаббат, гўзаллик ва нафосат, эзгулик билан мунаввар қиладиган ҳам аёллардир. Улар билан тиллашиб, ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш, барча жабҳаларда фаолликка чорлаш ва асосийси, юртимиз тараққиёти, халқимиз тинч-осойишталигини таъминлашдек ягона мақсадлар сари йўналтириш жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари зиммасига улкан масъулият юклайди. Олди бир мисол, қани, аёллар иштирок этмаётган ёки фаоллик кўрсатмаётган биронта соҳа борми? Йўқ, албатта,

пайта туман миқёсида турли тармоқлар бўйича машғул бўлган 533 нафар тадбиркор аёлларимизга имтиёзли кредитлар ажратилиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чораларини қўрабмиз. Шунингдек, хотин-қизларнинг ижтимоий фойдали меҳнат билан бандлиги, кичик бизнес, жумладан, касаначиликни янада ривожлантиришлари учун ҳамкор ва ҳомий ташкилотлар фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада «Оққўрғон», «Гулистон» МФЙ худудида тадбиркорларнинг 90 фоизини аёллар ташкил этганини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Айниқса, жорий йилнинг Юртбоши-

Хотин-қизларни «уста—шоғирд» усулида ўқитиш ва тайёрлашни ташкил этиш ҳамда уларга микрокредитлар ажратиш орқали туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази маблаглари ҳисобидан 20 нафар хотин-қизларимиз хунармандчиликнинг мазкур йўналишига жалб қилинди. Шу йилнинг саккиз ойи мобайнида хотин-қизлар учун юзлаб иш ўринлари яратилгани янада эътиборлидир. Охунбобоев ҚФЙ, Қумарик МФЙ ўрамада «Файз-плюс» шифохонаси қурилиб, 43 та янги иш ўринлари очилган бўлса, шундан 38 тасини хотин-қизлар банд этди.

Балиқчида Оққўрғон маҳалласини

батидо ёрдам беришимиз ҳам мушкул кечади.

Яқинда қабулимга бир келинчак келди. Умр йўлдоши билан бир-бирини ёқтириб, турмуш қуришган экан. Қайнона ўзи билган бадавлат оиланинг қизини келин қилишни мўлжаллаб юрганида ўғли «Шу қиздан бошқасига уйланмайман», деб туриб олибди. Бу келиндан ўзи истогандек орзу-ҳавас қўролмаганидан қайнона унга зугум ўтказа бошлабди. Ҳар икки гапининг бирини «Сен бизнинг тенгимиз эмассан», деб камситишга чорлади. Келин бундай ҳўрликларга чидамай, онасиникига кетиб қолибди. Биз кудатараф маҳалла фаоллари билан биргаликда куёв яшайдиган оилга бориб, келиб чиққан арзимас можарога батафсил ойдинлик киритдик. Охир-оқибат, қайнона ҳам ўз хатосини тушуниб, шу куннинг ўзидаёқ келинини уйига олиб келди. Ҳозир аҳил-иноқ яшаяптилар.

Бундай кўнгилсиз воқеалар ондасонда бўлса-да учраб туради. Шу суҳбат баҳонасида ўз мулоҳазаларимни ҳам айтиб ўтмоқчиман. Бу бевосита ҳаммамизга тааллуқли: тўғри, орзу-ҳавасимиз кўп. Лекин қарс икки қўлдан чиқади, дейдилар. Шу боис бундай низоларга томошабинлик қилгандан кўра, имкони бўлса, ёрдам берайлик. Ана, хотин-қизлар кўмитаси бор, маҳалла-қўйга чик, шулар аралашсин, дейдиганлар ҳам ораимизда кўп. Биз бундай тушуновчиликларнинг олдини олиш мақсадида «Маҳалла» жамғармаси, Балиқчи туманларо фуқаролик суди, ФХДЭ бўлими, тиббиёт бирлашмаси ходимлари билан ҳамкорликда турли мавзуларда учрашувлар, давра суҳбатлари, «Ибратли келин», «Қайнона ҳам она» сингари кўриктанловлар уюштиряпмизки, булар ўз самарасини бермоқда.

«Оила ва жамият» муҳбири
Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА
суҳбатлашди.

«Аёл қалби — ўқилмаган китоб»

— дейди Андижон вилоятининг Балиқчи тумани ҳоқими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси
Матлубахон Халилова

фан, тиббиёт, қишлоқ ҳўжалиги, фермерчилик, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳаларида уларнинг ўрни салмоқли ва айтиш мумкинки, катта самара бераётир.

Аёл табиатан серҳаракат, мулоҳазали, тежамкор... Унинг ўз оиласи, яқинлари, фарзандлари билан кечадиган муносабатларида яққол намоён бўладиган бундай фазилатларини жамиятда юзага чиқариш, уни фаол ва курашчан фуқаро даражасига кўтариш биринчи галдаги вазифаларимиздан биридир. Бизнинг барча сўй-ҳаракатларимиз замирида ана шундай эзгу мақсадлар ётибди.

Бугунги кунда туманимизда 175 минг аҳоли истиқомат қиладиган бўлса, шунинг 78 минг нафарини хотин-қизлар ташкил этади. 9 та қишлоқ, 61 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда. Айни



миз томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши бу соҳа вакилларини янада руҳлантириб юборди. Бугунги кунда туманимиздаги ҳар бир маҳаллада 10 тадан кичик бизнес субъектлари ташкил қилинган.

хунармандлар маскани дейишади. Масалан, Ҳомиджон Тўхтамирзаев оила-аъзолари билан мебель тайёрласа, Қосимжон Пўлатов дурадгорлик билан шугулланади. Ўспирин болалардан 15 нафари бўш пайтларида хунар ўрганишади. Гўзалхон Тўшбоева ўнлаб қизларни ёнига олиб, тўн тикишни ўргатапти. Тўқувчи қизлардан Дилноза ва Шаҳнозахоннинг 20-30 нафардан шоғирдлари бор. Уларга туман тадбиркорлар палатаси ва меҳнат бўлими томонидан имтиёзли кредитлар берилган.

— Матлубахон, келинг, энди суҳбатимизни биров маишийроқ мавзу, яъни оиладаги айрим муносабатларга бурсақ. Биласиз, дунё пайдо бўлибдики, қайнона-келин ўртасида зиддиятлар мавжуд. Уларни бартараф этиш, оилаларда соғлом муҳит яратиш учун кўмита томонидан маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда қандай чора-тадбирлар қўрилаяпти?

— Аслида, аёлни ўқилмаган китобга қиёсланишида ҳам бир ҳикмат борга ўхшайди. Унинг юраги сир-синаотга тўла мўъжиза. Қачонки, аёл қалбига кириб бормас эканмиз, уни тушуниш ва ўз нав-

ҳуқуқий демократик давлат куриш йўлига қадам қўйган халқимиз орасида нотариал идораларнинг хизматига талаб кучаймоқда. Ўз навбатида, жамият ривожланган сари нотариал институтини ҳам такомиллаштириб бориш талаб этилади. Юртимизда кейинги йилларда бу масалага алоҳида эътибор қаратилаётир.

Давлатимиз раҳбари Ислоом Каримовнинг 2010 йил 5 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида нотариал институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида» ги Фармонига асосан, нотариал ҳаракатлар фақат давлат нотариал идоралари томонидан амалга оширилмоқда. 2010 йил 14 сентябрда қабул қилинган «Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ги қонун орқали нотариусларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги доираси кенгайтирилди ва янада аниқ қилиб белгилаб қўйилди. Республикаимизда олиб борилаётган бу каби изчил ислохотлар замирида фуқароларга қўрсатилаётган ҳуқуқий хизматнинг сифатини бундан-да яхшилаш мақсади ётибди. Зеро, нотариал институтини такомиллаштириш фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний маффаатларини муҳофаза қилиш тизимини кучайтириш демакдир.

Донохон ИШОНОВА,
Тошкент шаҳар
Шайхонтоҳур тумани
1-сонли нотариал идораси катта нотариуси.

Инсон манфаатлари муҳофазаси

нотариат институти олдидаги энг муҳим вазифа саналади

Жамият тараққиётининг маълум бир босқичида аҳолий мезёрлар устулик қилса, муайян бир даврга келиб ҳуқуқий мезёрлар бирламчи санала бошлайди. Халқимиз орасида қадимдан лафз, бировнинг ҳақи, орномус, инсоф каби тушунчалар жуда қадрланган; ёлгон гувоҳлик, омонатга хиёнат сингари иллатлар эса қаттиқ қораланган. Жамиятдаги турли муносабатларни тартибга солишда айни шундай қарашлар асос вазифасини ўтаган. Масалан, катта миқдорда қарз бериш, мол-мулкни кимгадир васият қилиш, меросхўрларнинг улуш тақсимидаги ўхшаш ишлар озгаки ҳал этиб қўйилмаверган. Бугунги дунёнинг эса ўз ўлчовлари, баланд-пастликлари бор. Ахир, биз бозор иқтисодиёти тамойиллари ҳукмрон бир даврга ўшармиз-да.

Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйган, кўпгина ҳуқуқий келишмовчиликлар аҳоли орасида айни шундай маиший муносабатлар туфайли келиб чиқди. Халқимиз янги тартибларга қўниқиб босқичини бошидан кечирди. Энди эса аҳоли ҳуқуқий онги ва маданияти анчагина юксалиб, одамлар ҳар бир хатти-ҳаракатини нотариал тасдиқлаштириб қўйишга одатланиб боришмоқда. Бу, табиийки, уларнинг ҳақ ва манфаатлари муҳофазасини таъминлашга замин яратади. Нотариал идоралар суд ёки прокуратура эмас-ку, инсон манфаатларини қандай қилиб муҳофа-

АДЛИЯ ФАОЛИЯТИ



за этади, деган савол ҳам туғилиши табиий.

Нотариуслар битимларни, васиятномаларни тасдиқлаш, эрхотиннинг умумий мол-мулкидagi улушга бўлган мулк ҳуқуқи, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномани бериш, мерос мол-мулкнинг қўриқлинишига доир чора-тадбирларни қўриш, ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаходатлаш ҳамда қонунларда белгиланган шу каби бошқа нотариал ҳаракатлар орқали жисмоний, юридик шахсларга ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширишда ёрдамлашди. Бинобарин, эркин иқтисодиётга асосланган фуқаролик жамиятида ҳуқуқий муносабатларнинг қонунийлигини таъминлаш, мулк ва эгаллик ҳуқуқларини кафолатлаш, арзимас муаммодан бош-адоги йўқ келишмовчиликлар ўртага чиқишига йўл қўймаслик, ҳар бир кишининг манфаатларини ишончли тарзда ҳимоя қилиш ўта муҳим саналади. Шу боис

Бахтим шулки...

1 октябрь — ўқитувчи ва мураббийлар кун сифатида юртимизда нафақат шу соҳа вакилларининг, балки каттаю кичикнинг ҳам энг сеvimли байрамларидан бирига айлиб қолди. Негаки, ҳар биримиз ким бўлишимиздан қатъи назар, илк бора мактаб остонасидан ҳатлаган пайтимиздаёқ устозларимиз бизларни очик чехра, меҳрибонлик билан қарши олишган. Ўз фарзанди каби севиб, ардоқлаб, бизнинг болаликка хос шўхликларимиз, қайсарликларимизни кечириб, сабру бардош билан илму одоб сирларини юрагимизга сингирган.

Тақдирни қарангки, мена ҳам Юртбошимиз таъбирлари билан айтганда, «...кўз нури ва қалб қўрини, бутун онгли ҳаётини ёш авлодга билим бериш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга бағишлаган» устозлар йўли насиб этди. Балки ёшлик давримдан бошлаб мурғак кўнглимга ўзларининг меҳру муҳаббатларини сингирган олган фидойи ўқитувчиларимга ҳавас қилганим учунми, 1982 йили мактабни битирган, сира иккиланмасдан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтига (ҳозирги университет) ҳужжатларимни топширганман. Аввалгига мактабга таълим, кейин эса бошланғич таълим факультетида тахсил олдим.

«Устоз отангдек улуг» деган ҳикматнинг амалдаги исботини ўз ҳаётий тажрибамда кўп бора кўрдим. Дастлаб мактабда, кейин эса оллий даргоҳда ва, ниҳоят, 1994 йилдан пойтахтимиздаги 328-умумтаълим мактабида ишлаётган бўлсам, ана шу йиллар ичида жуда қўллаб меҳри дарё устозлардан сабоқ олдим, бой тажрибаларини ўргандим.

Албатта, ўқитувчилик касбининг, қолаверса, бошланғич синф муаллимлигининг оғир ва машаққатли эканини шу соҳада ишлаган одам яхши билади. Чунки ўз оилангизда фарзандларингизга қай даражада меҳр-оқибат қўрсата олсангиз, мактабда ҳам ана шундай бағрикенг бўлишингиз шарт. Ва асосийси, ҳаммасини битта кўзда қўришингиз керак, бирини яхши, бирини ёмон, ақлли ёки дангаса деб ажратсангиз, болани ўзингиздан бездириб қўясиз.

Бугунги давр талаби ниҳоятда жиддий ва, ўз навбатида, мушаккиллик даври фарзандлари ҳам бундан 10–15 йилги авлод ёшлари билан солиштирилса, ҳар томонлама кескин фарқ қилади. Аввало, ўқитувчининг свавияси, билим даражаси, замонавий таълим тараққиёти янгиликларини эгаллаш билан боғлиқ жараёнлардаги фаоллиги юксак бўлмаса, ҳозирги ўғил-қизлар кўнглига йўл топиш осон кечмайди.

Фурсатдан фойдаланиб, мен юртимиздаги барча ўқитувчи ва мураббийларни ўзимнинг қадрдон ва аҳил жамоамиз номидан касб байрамлари билан чин орақдан табриқлайман. Илоё, ҳар биримизга ўзимизнинг сермашаққат ва масъулиятли меҳнатимиз роҳатини қўриб юриш бахти насиб этсин.

Гулнора СОЛИХОВА,
Тошкент шаҳар Миробод туманидаги
328-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.

Устоз... Бу мақомга сазовор бўлмоқнинг ўзи улуг бахт. Албатта, бундай шаърафга етганлар бор, етмаганлар бор. Бекободлик Саттор Жумабоев салкам 36 йилдан бери мактабда ёшларга аниқ фанлардан сабоқ бериб келади. Катта давралар, тўй-томшаларнинг тўрига чорлашади шогирдлари. Чунки...

— 1975 йил Низомий номидаги Тошкент педагогика институти (ҳозирги университет) нинг математика факультетини тамомлагач, қишлоғимга қайтиб келдим, — дея ҳикоя қилади Саттор ака. — Кўнглимда битта эзгу мақсад бор эди, у ҳам бўлса, ўзим туғилиб ўсган гўшадаги ўғил-қизларни аниқ фанлар бўйича илмли қилсам, бир кун келиб, улар орасидан машҳур олимлар етишиб чикса дер-



шарт-шароитлар уларни янада руҳлантирди. Бу ўқувчиларга ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Ўқишга қизиқиш кескин ортди.

Саттор аканинг айтишича, ихтисосли-

Ватанимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан Президентимиз Ислам Каримов Фармонида Биноан Бекобод туманидаги 2-умумтаълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси Саттор Жумабоев “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи” фахрий унвонига сазовор бўлди.

кур мактаб директори Қосимжон Эрнараров. — Нега десангиз, у киши ниҳоятда камтарин ва илмга чанқок, фидойилик бобида ҳам бошқаларга кўзгу десам янглишмайман. Мактабимизда “Устоз-шогирд” аъёнасини муносиб давом эттиришда ҳам ҳаммамизга намуна. Ҳар йили биринчи навбатда Саттор аканинг қўлида тахсил кўрган ўқувчилар олий ўқув юртиларига киришяпти. Биз ҳақли равишда шундай заҳматқаш, ўз касбини шараф билан улуғлаб келаётган устоз билан фахрланамиз.

Ҳамкасблари, маҳалладошлари ва

уни яқиндан билганларнинг самимийлик билан эътироф этишларича, Саттор ака Жумабоев ўзи умргузаронлик қилаётган маҳаллада ҳам катта обрў-эътиборга эга оилалардан бири экан. “Худого минг қатла шукр, умр йўлдошим Маликахон билан бирга уч ўғил, икки қизни эл қатори тарбиялаб вояга етказдик. Бари ўзлари танлаган соҳаларда ҳалол меҳнат қилишяпти. Уларни бирма-бир таърифласам, газетангиз саҳифасига сигари-кан?” дея ҳазиллашиб кўйди муаллим. Хайрлашаётганимизда беш ёшли невараси Муродбекнинг киррил ва лотин ёзувига асосланган ўзбек ёзувларидаги ҳарфлари уриштириб, газета ўқитганини айтиб мақтаниб кўйди. Ва “Эҳ, қани энди бугун ўттиз ёшли йигитча бўлсам эди-я, шундай ёниб, жўшиб ишлардим-да. Тақдиримдан сира нолимайман. Нега десангиз сана, Мустақиллик даври фарзандларига сабоқ берайман. Ана шунинг ўзи мен учун энг катта бахт!” дея ўз ҳаяжонини яширолмади устоз.

Нигора ЎРОЛОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.
Тошкент вилояти.

Давра тўридаги одам

дим. Орзуга айб йўқ, деганлари рост экан. Мана бугун қаранг, юзлаб шогирдларим турли соҳаларда хизмат қилишяпти. Олим, иқтисодчи, тиббиётчи, қалам-каш, кўйинги, исталган тармоқда ишлаб ишончини оқлашяпти. Ўқитувчининг бахти кулгани шу-да!

Саттор ака 1991 йилнинг 21 ноябрь кунини сира унутмайди. Нега десангиз, мактаб жамоаси ана шу санада янги қурилган бинога кўчиб келган экан. Авваллари тор, пастқам, кўрimsиз синфхоналарда дарс бергани учунми, анча кун уч қаватли бинога мослашишлари бироз қийин кечганини устоз кулиб-кулиб эслайди. Янги қурилган мактабда кенг ва ёруғ фан хоналари, спорт зали, хуллас, чин дилдан ишлаш учун яратилган ҳамма

ги математик бўлгани учун дастлаб бу илм даргоҳига янги компьютерлар олиб келинганида бунга оз кийналган экан. “Ёшим каттарок бўлса-да, бошқалардан ортда қолмаслик учун ҳам компьютер бўйича қайта малака оширдим. Ҳозирги кунда махсус жиҳозланган хоналаримизга 26 та компьютер ўрнатилган ва улар интернет тармоғига ҳам уланган. Шунингдек, уч мингдан ортқ китоб захирасига эга бўлган Ахборот-ресурс марказимиз ҳам «Ziyo Net»га уланган ҳолда фаолият кўрсатмоқда” дейди қаҳрамонимиз фахрланиб.

— Саттор акадан нафақат бекободлик, балки вилоятимиз мактабларида ўқитувчилик қилаётганларнинг кўпчилиги ҳар қанча ибрат олса арзийди, — дейди маз-

ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЁТГАНДА:

Ушбу мақола қаҳрамони, фидойи муаллим Саттор Жумабоев таърирjиятимизга кўнглироқ қилиб, мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида нишонланаётган 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кўни муносабати билан юртимиздаги барча ҳамкасбларини Бекобод туманидаги 2-умумтаълим мактаби жамоаси номидан самимий муборакбод этишимизни илтимос қилди.

2011 — КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

Ишбилармонлар маҳалласи

Ўз номига муносиб бўлган “Мустақиллик” маҳалласини Охангарон шаҳрида кўпчилик яхши билади. Айниқса, бу аҳил гўшада кейинги йилларда қатор ибратли ишлар амалга оширилдики, бунда тиниб-тинчимас, жонкуяр аёллардан бири Рисгул Мадаминованинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор.

— Рисгул опа маҳалламизда 16 йил раисалик қилган бўлсалар, ҳозиргача у кишининг ўрни жуда билинади, — дейди маслаҳатчи Бибирабо Ёшчонова. — Нега десангиз, опа ҳаммага бирдек муомала қилар, каттани катта, кичикни кичик ўрнида кўрарди. Бу йилги сайловда мақалламизга янги раис сайладик. Чунки Рисгул опа кўп йиллик бой тажрибага эга бўлгани боис туман маънавият ва маърифат тарғибот марказига раҳбарликка тавсия этилди. Шундай вақт топиб, ҳафтада уч-тўрт марта биздан хабар ола-

ди. Дарҳақиқат, биз маҳалладошлари фахр билан тилга олган Рисгул опа билан ҳам учрашдик. У киши юқоридаги таърифларни эшитгач, “Аслида мен эмас, маҳалла аҳлининг ўзи



яхши, иноқ ва ҳамжихат. Яхши-си, бу ердаги бошқа фаоллар ҳақида ёзинг” деб маслаҳат берди. Суҳбатдошларимизнинг айтишларича, 1366 нафар аҳоли сонига эга бўлган “Мустақиллик” маҳалласида айна пайтда беш юздан кўпроқ хонадон бўлиб, улар орасида ишбилармон, тадбиркор хотин-қизлар кўп экан. Бу эса уйда бўш ўтирган аёл-

ларни иш билан таъминлаш ҳамда уларни касаначиликка жалб этишда кўл келаётганини алоҳида таъкидлашди.

Хунармандчилик соҳасида танилган Зулфия Халиллаева бир неча йилдан бери охангаронлик қизларга зардўлик, тикувчилик ва бошқа хунарларни эгаллашлари йўлида яқиндан кўмаклашмоқда. Фаоллардан бири Зулфия опанинг яна бир ибратли амали ҳақида ҳам фахрланиб гапирди: яъни у маҳалласида ўтказилаётган тўй-ҳашамларга ўз кўли билан тайёрлаган буюмлардан совға қилишни унутмас экан. Ҳатто, хорижга ҳам бу кўлигил хунарманд аёл тиккан маҳсулотлардан намуналар олиб кетилганини фахрланиб айтишди. Зулфия опанинг келини Малоҳатхон эса яқинда элита пардалари тикиши ҳам йўлга қўйибди. Мақсади дар пардаларга зардўзлик санъатини кўчирмоқчи экан. Қизлари Раъно бўлса онасининг энг яқин кўмакчиси.

Бир сўз билан айтганда, аввало ўз оиласида, қолаверса, жамоатчилик орасида ҳам ҳурмат-эътибор қозонаётган жонкуяр хотин-қизлар йил сайин обод ва кўркамлашиб бораётган кадрдош гўшалари — “Мустақиллик” маҳалласининг нуфузини янада ошириш йўлида тинмай изланишмоқда.

Нигора ЭРКИН қизи

Спорт мажмуаси ишга тушди

Мустақиллик йилларида бутунлай янгича қиёфага эга бўлган Наманган шаҳрида бунёдкорлик ишлари бир зум тўхтагани йўқ. Кечагина спортсевар ёшлар учун яна бир аjoyиб ишчоот ишга тушди. Ўз номига муносиб бўлган “Баркамол авлод” деб номланган спорт мажмуаси истиқолимининг шонли 20 йиллиги санаси нишонланган йилда фойдаланишга топширилгани барчани хушнуд этди.

Тўрт ярим гектар майдонда қад кўтарган, 16,5

миллард маблағ сарфланган, 300 миллион сўмлик замонавий спорт анжумлари билан жиҳозланган бу мажмуада спортнинг 14 та тури бўйича тўғарақлар фаолият кўрсатади. Айниқса, бу ерда очик стадион ҳамда ёпик сувиш ҳавзасининг ҳам бунёд этилгани қувонарлидир. Волейбол, кураш, бокс, футбол, баскетбол сингари қатор спорт турларига қизиққан ёшлар аллақачон машғулотлари бошлаб юборишди. Уларга малакали мураббийлар устозлик қилишмоқда.

Шаҳло ТОШБЕКОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.
Наманган вилояти.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Тадбиркорларга қулайлик

Президентимиз томонидан жорий йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилинганлиги барча соҳалар, шу жумладан, жойлардаги давлат солиқ инспекцияси ходимлари зиммасига ҳам жиддий масъулият юкледи. Чунки қабул қилинган махсус Давлат дастурида тадбиркорлик субъектлари учун борада бир қатор янги имтиёз ва энгилликлар кўзда тутилган. Яъни, солиқ ва бошқа тўловлар бўйича янада қулай шароитлар яратиш, имтиёзлар ва преференциялар бериш, солиқ ва статистика органлариға ҳисоботлар топшириш механизмини такомиллаштириш ва унификациялаш каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Президентимизнинг 2011 йил 12 майдаги “Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эса мазкур соҳани қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қарорга мувофиқ, жорий йилнинг 1 июнидан 44 та фаолият турлари бўйича микро ва кичик корхоналарда ходимларнинг йиллик ўртача сони 50 нафардан 100 нафаргача кўпайтирилганлиги соҳа ривожига самарали таъсир кўрсатади. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш суръатининг ўсишига, янги иш ўринлари яратилишига, шу билан бирга, корхонанинг соддалаштирилган солиқ тизимида қолиш имконини яратади.

Янги ташкил этилаётган масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар устав фонди (устав капитали)нинг энг кам ҳажми давлат рўйхатидан ўтиш учун ҳужжатлар тақдим этилган санада қонунчиликда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг қирқ бараваридан кам бўлмаслиги, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш уларнинг аризасига кўра намунавий таъсис ҳужжатлари асосида амалга ошириши мумкинлиги белгиланди. Шунингдек, ҳудудларда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган давлат божи ставкаси энг кам иш ҳақи миқдорининг бир бараварига тенглаштирилди.

Хуллас, мазкур қарор ҳамда бошқа солиққа оид меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектларига етказиш мақсадида Чилонзор тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан учрашувлар, давра суҳбатлари, семинарлар мунтазам равишда ўтказиб бориляпти. Ҳар ҳафтангиз жума кунини “Очик эшиклар кўни” жорий этилиб, фуқаролар ўзларини қизиқтирган саволларга тегишли жавобларни олишмоқда.

Д. БЕКМИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ДСИ бошлиғи
ўринбосари.
А. ТУРДИМАТОВ,
Чилонзор тумани ДСИ бўлим бошлиғи.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БИРЛАШГАН КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

барча ўқитувчи ва мураббийларни касб байрамлари билан қизгин ва самимий муборакбод этади!

Юртимизда булгани каби воҳада ҳам Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури, «Таълим тўғрисида»ги қонун талаблари асосида ёш авлодни тарбиялаш ва билим беришда илгор тажрибалардан кенг фойдаланилмоқда.

— Бугунги кунда тасарруфимизда 132 та илм маскани бўлиб, уларда 90 минг нафардан ортиқ келажакимиз эгалари касб-ҳунар ўрганишмоқда. Ёшларимизга 9 мингдан зиёд малакали педагоглар сабоқ беришяпти, — дейди бирлашган касаб



ба уюшмаси қўмитаси раиси Шухрат Турдиев. — Барча ўқув муассасалари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.



Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги нишонланаётган шу қутлуг кунларда ўқитувчи ва мураббийларимиз ҳам касб байрамини кўтаринки руҳда қарши олдилар. Устозларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш касаба уюшмаси қўмитасининг асосий диққат марказида турибди.

Касб фидойиларини яна бир бор қутлуг байрам билан муборакбод этиб, ўзларига сиҳат-саломатлик, оилавий тотувлик тилаймиз.

«МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ ЧИРОҚЧИ ТУМАН БЎЛИНМАСИ ЖАМОАСИ

барча ўқитувчи ва мураббийларни касб байрами билан самимий табриклайди!

Устозларга ёш авлод тарбияси йўлидаги масъулиятли ва, айти пайтда, шарафли ишларида омад тилайди. Фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол, мустақил



фикр ва кенг тафаккур эгаси этиб вояга етказишда сизларга доимо куч-қувват ёр бўлсин!

ШУКУҲ

УСТОЗ

Кўларимга тутиб қаламини,
Ашбор битдим куйлаб Ватанини,
Севдим ёниб ота-онамини,
Таъзим сизга меҳрибон устоз!

Камалакдай ранглар
бердингиз,
Олим бўлинг, болам, дедингиз.
Аламларга кўкрак кердингиз,
Раҳмат сизга меҳрибон устоз!

Қуёш десам, ярашар сизга,
Меҳр билан қарашар сизга,
Раҳмат дейди бани
башар сизга,
Шараф сизга меҳрибон устоз!

Зебунисо ҒАФҒОРОВА,
Тошкент шаҳридаги
219-мактаб ўқитувчиси.

ОНА

Сизни кўрсам қалбда сурур,
Пойларингиз жаннат эрур.
Дард-аламга чидамингиз,
Буюкликдан дарак эрур.

Оқ юшиб, оқ тарадингиз,
Менда сизнинг орзуингиз.
Онажоним меҳрибоним,
Гўзал этай ҳар онингиз.

Таъзимдадур еру осмон,
Дуо қилгум сизни ҳар он,
Бахтгинамга бўлинг омон,
Онажоним, меҳрибоним.

Онажоним, меҳрибоним,
Сўзларингиз дилда доим,
Сиздайин дўст тополмадим,
Ўзингизсиз суянганим.

Назкат ҚУРУЛТЎЕВА,
2-сонли Тошкент юридик
коллежи талабаси.

ТАЪЗИМ СИЗГА

Қутлуг ҳар бир қадамингиз,
Метин-бардош чидамингиз,
Хушвақт ўтсин ҳар дамнингиз,
Омад бўлсин ҳамдамнингиз,
Қутлуг бўлсин байрамнингиз!

Афлотунга таълим берган сиз,
Берунийга билим берган сиз.
Темур бобом пир деб билган,
Сабоқ истаб таъзим қилган.
Қутлуг бўлсин байрамнингиз!

Тунларни ёритган чироқсиз,
Бизлар учун баланд байроқсиз.
Эъозлайман умрим борича,
Йўл бошловчи ёрқин майёқсиз.
Қутлуг бўлсин байрамнингиз!

Эшнӣёз БУРҲОНОВ,
Қашқадарё вилояти
Чироқчи тумани.

“BARVI” ТҮЙ ЛИБОСЛАРИ САЛОНИ

тўй, оқшом ва болалар либосларининг арзон ва сифатли хилма-хил турларини таклиф этади!

МАНЗИЛ: Тошкент вилояти Зангиота тумани Назарбек жамоа хўжалиги, Ҳаракат маҳалласи, Обод кўчаси, 11 уй.

Мўлжал: “Сапура” дўкони.
Тел: (+99897) 746-08-10.
Мапоҳат.

ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ ЖАМОАСИ

Истиқлол даври фарзандларини юксак тафаккур эгалари сифатида руҳан баркамол, жисман бақувват қилиб тарбиялашдек энг эзгу ва шарафли вазифани ҳалол, виждонан адо этаётган мамлакатимиз ўқитувчи-мураббийларини

1 ОКТЯБРЬ

умумхалқ байрами билан самимий муборакбод этади!



УСТОЗ!..

Бу қадрдон ва ҳаммамизнинг юрагимизга яқин сўзни эшитсак, ҳаяжонга тушамиз. Негаки, илк бора алифбони ўргатиб, катта ҳаёт бўсағасига қадам қўйгунимизга қадар уларнинг чексиз меҳр-муҳаббатидан баҳраманд бўлганмиз.



Бугунги кунда мустақил Ватанимизнинг нурли ва ёруғ келажаги эгаларини юксак маънавиятли, етук ва доно, соғлом ва, албатта, бахтли, саодатли бўлмоқлари йўлида кўрсатаётган беминнат хизматларингизни ҳар қанча мақтасак, олқишласак арзийди.



Бугунги кунда мустақил Ватанимизнинг нурли ва ёруғ келажаги эгаларини юксак маънавиятли, етук ва доно, соғлом ва, албатта, бахтли, саодатли бўлмоқлари йўлида кўрсатаётган беминнат хизматларингизни ҳар қанча мақтасак, олқишласак арзийди.

АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

«ЎКТАМХОН-НУР» ЎҚУВ МАРКАЗИ

қуйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой, 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
Тиббий массаж — 2 ой. Нуктали — 1 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Пишириқлар олий курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.
Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Қашчачилик — 3 ой (машинкада вышивка).
Тўқувчилик — 2-3 ой.
Инглиз тили — 3 ой.
Рус тили — 3 ой.

Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Сунъий гул яшаш — 1-2 ой.
Компютер сабоқлари — 2 ой.
Интернет — 1 ой.
Барчаси амалиёт билан
Етоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Юнусобод тумани 3-мавзэ 1-уй 31-хона. Мўлжал: 4-уй 40-хона. Мўлжал Кўйлик кийим бозори рўпарасида.
Тел: (8371) 221-17-95, 221-77-72, 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).
ФИЛИАЛ
Манзил: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси, Кўйлик, 4-уй 40-хона. Мўлжал Кўйлик кийим бозори рўпарасида.
Тел: (8371) 295-97-82 +99897 785-90-30 (кундузи)

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ НИШОН ТУМАНИДАГИ 34-УМУМИЙ ТАЪЛИМ МАКТАБИ ЖАМОАСИ

барча ҳамкасбларимизни Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин қалбдан кутлайди, ёш авлодга таълим ва тарбия бериш йўлидаги ишларида муваффақиятлар тилайди!

Бу илм масканида Талимаржон шахрининг 500 нафардан ортмиш ўқувчи ёшлари таълим-тарбия олмоқдалар. Уларга 32 нафар малакали мураббийлар фан сирларини ўргатишмақпти. Ўзбекистон халқ ўқитувчиси **Жўра Ғойибов**, **Жумабой Зулҳуров**, **Шоира Оқмирасова**, **Лола Жўраева** сингари устозлар тўрт йил муқаддам замонавий лойиҳа асосида қуриб битказилган мактабда келаганимиз эгаларига таълим-тарбия беришмоқда.

— Маърифат майданида ўқувчиларнинг пухта билим олиши учун кенг ва ёруғ синфхоналар, маънавият ва маърифат хонаси, спорт вади хизмат кўрсатмоқда. — дейди мактаб директори **Саидкул Раҳимов**. — Бундай имкониятлардан оқилона фойдаланаятган ёшларимиз фан сирларини мукамал ўрганишмоқда.



БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!

НАМАНГАНЛИК ЗЕБОНИНГ ХИКОЯСИ:

— Инсон учун дунёда онадан меҳрибон зот йўқ дейдилар. Чиндан ҳам она боласини бир парча этлигидан парваришлаб, катта қилади. Ҳамма ҳам фарзанднинг улғайишини, унинг камолни кўришни орзу қилади. Бироқ айрим волидалар ўзларининг қалтис ҳаракатлари билан дилбандларни бахтсизлик хоҳи томон етаклаганликларини англашармикан?...

Менинг онажоним ҳам бошқалар каби меҳр бериб, мени вояга етказди. Ўзим хоҳлаган касбни ағаллашимга тўқинлик қилмади. Бировлардан кам бўлмадим. Аммо ҳаётимнинг энг жиддий палласига келганда, менинг фикрим, хоҳиш-истагим билан асло ҳисоблашмади. Алал-оқибат...

Билим юртини тугатишим арафасида совчилар кела бошлади. Кўнгил берган йигитим бўлмагани учун оила қуриш масаласида онамнинг танловига ишондим, уларнинг тўғри йўл танлашига сира шубҳам йўқ эди.

Бир куни холам бизни келиб, ҳамсояси — зиёли бир оила ўғлига мени сўрашаётганини айтиб қолди. Бу оилани яхши танирдим. Оила соҳибларининг ҳар иккиси ҳам ўқитувчи бўлиб, ўғиллари ҳам бамаъни, оғир-босик, тўғрисиёз йигитлар эди. Кўнглимнинг бир четида қандайдир ҳислар уйғонди. Балки онамнинг шу совчиларга рози бўлишларини хоҳлагандирман. Кўп ўтмай холам айтганидай, ўша оиладан совчилар келди. Аммо оиймнинг кескин жавобидан сўнг улар ноумид ортларига қайтишди.

— Нега ундай қилдингиз? Ахир бу оилага қиз бераман деганлар қанча? — ростмана жаҳли чиқди холамнинг.

— Ўша орзу қилганлар бераверсин қизларини. Мен эса улар билан қуда бўлишни хоҳламайман! — деди онам узил-кесил.

— Нега?

— Нима, сен Зебонинг ўша хонадонда меҳнатдан эзилиб ўтишини хохлаяпсанми? — холамнинг юзига нафрат билан боқди оийм. — Биласан-ку, эрхотин мактабда ўқитувчи бўлса ҳам, ҳар йили катта-катта ер олиб, деҳқончилик қилишади. Катта келинлар қачон қарама, далага кетаётган ёки бошида бир туғун ўт билан қайтаётган бўлади.

— Бу ахир, айб эмас-ку! Меҳнат қилишнинг нимаси ёмон?

— Э, бўлди қил! Бермайман дедимми, бермайман. Сал юки енгилроқ оилага бераман, кўрабила туриб ўз боламин азобга қўяманми?...

Холам афсус билан бош чайқайди.

Шундан кейин ҳам боғи совчилар яна икки марта келиб кетишди, фойдаси бўлмади. Оийм ҳатто дадамнинг фикрларини ҳам эътиборга олмади.

Кўп ўтмай онам истаган хонадон совчилари эшигимизни қоқди. Қўшни тумандан, синашта бўлмаган бир оила. Оиймнинг хўнглига ўтирган томони — у оиланинг ўзига тўқилган эди. Кувё бўлимининг касби-кори бор-йўқлигини сўраб бошим ба-

лога қолди.

— Қиз бола бошинг билан эринг яхши-ёмонини қайдан биласан? — жеркиб берди онам. Ўзимни ўзим саволга тутдим.

Ахир, мен эмасми турмуш қурадиган? Келажакка ақл билан қараган яхши эмасми? Кейин кеч бўлганда афсус чеккандан кўра ҳозирданоқ чорасини топиш керакмасми? Йўқ, фикр билдиришга ҳақсиз эдим, ҳаммаси онамнинг ихтиёри билан бўлиши шарт эди. Қарама-қарши ўйлар гирдобиди фотиҳа қилиндим. Тўй куни белгиланди.

Биз томонларда бир удум бўлиб, тўйдан тўрт кун олдин «фотиҳа тўйи» бўлиб ўтади. Ҳамма машаа мана шу кунни чиқди. Холамнинг айтишича, маросим яримлаганда, онам қуда томондан келган латта-путталардан камчилик топиб, жанжал кўтарди. На катталарнинг, на қуда томоннинг узрини қабул қилибди.

Биринчи бахтим... сувларга оқди!



— Ҳозирданоқ сеп-сидиргани қойиллатмадим, қизимнинг у хонадонда бири икки бўлмайди. Мен аниқ биламан! — дебди онам.

— «Онасини кўриб, қизини ол» дейдилар. Биз ҳам молпараст хотиннинг қизини келин қилмасак, қилмабмиз! — дейишбди қуда томондагилар ҳам кўни-қўшнлар олдида...

Хуллас, шу тариха фотиҳам бузилди. Назаримда, ҳамма мени қўли билан кўрсатаётган, «мана шу — фотиҳаси бузилган қиз» деяётгандай, устимдан кулаётгандай бўлаверарди. Онамининг эса парвойи палак.

Табийки, энди эшигимиздан совчилар қадами қирқилган. Фотиҳаси бузилган қизни ким ҳам кўнгли чоғиб келин қилишга аҳд қиларди...

Орадан ярим йил ўтди. Онам дугоналарини ўртага қўйиб, кимидир топди. Совчиларга биринчи бор келишларидаёқ, розилик

берилди.

Бўлғуси қайнонам савдо билан шуғулланар, ўғли эса унга қаерлардандир мол олиб келиб бераман экан.

Тез орада тўйим бўлди. Онам ўзи истагандек кўш-кўш сарполар келди. Сепимдан ҳам кўнгиллари тўлди. Ҳа, мен онам орзу қилган оилага келин бўлиб тушгандим. Бу хонадонда ҳамма нарса бор, аммо битта нарса — инсон қадрини анқонинг уруги эди!

Мен бу уйда бир хизматкор, супур-сидир, ош-овқат, кир-чирнинг урдасидан чиқсам кифоя эди. Эрим мол олиб келиш учун икки-уч кунлаб йўқ бўлиб кетар, келгач ҳам онаси билан ярим тунгача нималарнидир ҳисоб-китобини қилиб чиқар, тонг саҳарлаб яна дўконга чопарди.

Биров «Сен бу уйда зерикамаяпсанми? Ахир сен ҳам одамсан, кўнглингда нима гап?» дедимасди. Кунда қайнонам ва эрим

дан савол бер-

ди меҳмон.

— Нега ундай дейсиз, холажон?

— Менинг кимлигимни биласизми? — қошларини баттар чимирди у.

— Йўқ, танимайроқ турибман, — дедим истиҳола билан.

— Ҳм... — аёл бошимдан оёғимгача истеҳзоли назар ташлади-да, — Мен эрингизнинг собиқ қайнонаси бўламан! Уни аввал ҳам уйланганини билар-мидингиз? Иккита боласи борлигини-чи? Йўқ, умуман, сизнинг ўзи биринчи турмушингизми бу?

— Нима?!

— Ҳа, худди шундай. Билардим, буларнинг найранг қилишини. Кимнидир чув туширишини билувдим. Тузоқларига сиз илинбсиз-да, эссиз. Шундай хуснингиз билан кимлар хавас қилмасди. Иккинчи хотин бўлиб ўтирибсиз-да, энди. А?..

Аёл тинмай гапирар, гапир-

гани сайин бошим гир-гир айланарди. Кўз ўнгимдан онам, тўй, ҳозирги ҳаётим лип-лип этиб ўта бошлади. Меҳмонни қачон, қай тариха кузатдим, билмайман.

Уйга кириб, ҳолсиз диванга ўтириб қолдим. Саволлар миямда чарх урар, бироқ уларга жавоб тополмасдим. Ҳўрлигим келиб кетди. Йиғладим...

Оқшом тушиб, қайнонам ва эрим кириб келишди. Йиғидан шишиб кетган кўзларимни кўриб ҳам икковидан бири «нима бўлди?» дея сўраб ҳам қўймади.

Кеч туша бошлагани сари оёқ-қўлим титрар, кўркүв-ҳаяжондан асабийлашардим. Ҳаёлимда фақат бир мақсад: аёлнинг гаплари ҳақиқатми ёки йўқми, шуни аниқлаштириб олишим зарур эди.

— Кундузи уйимизга бир аёл келганди, — дея гап бошладим эримнинг кўзлари иллинаётганини сезиб турсам ҳам.

— Ким экан у, «клиент»ларданмасми? — у кўзларини базўр очиб, менга ўғирилди. — Ҳа, айтганча, бир аёл келиши керак эди, товарга.

— Афсуски, у товар олиб кетгани эмас, менинг алданганимни билдириб қўйиш учун келибди! — Тушунмадим...

— Сиз аввал ҳам уйланган экансиз-ку! Бир эмас, иккита болангиз ҳам бор экан. Нега, нега мени алдадингиз? Нега? — ичимдаги хўрлик туйғуси кўз ёш бўлиб нафрат билан тошиб чиқа бошлади.

— Нима бўпти? — негадир масхараомуз кулимсирарди эрим. — Ахир, сенинг ҳам тўйинг бузилганди-ку? Айт, нега бузилганди? Ёмонотлик бир қиз эдинг, онам менга сени ялиниб-ёлвориб берган ўзи, билдингми? Шарманда бўлишингдан асраб қолганим учун менга раҳмат

БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

десанг-чи!

Бақадек тош қоғиб қолдим. Бир томондан бегуноҳлигим кўксимни куйдирса, иккинчи томондан бу хўрликларнинг бошимга тушишига ўз онам сабабчи экани жуда-жуда алам қиларди. Афсуски, эримга эътироз билдирилмасдим. У ҳам ўзича ҳақ эди...

Эртаси куни уйга, тўғри онамнинг хузурига бордим. Ниятим у кишидан бор ҳақиқатни билиш ва бу аҳволда ортиқ яшай олмастлигимни тушунтириш эди. Йўқ, ювошлигим яна ўзимнинг зараримга хизмат қилди. Онам бу ҳақда оғиз очилиши билан бобиллаб берди.

— Сен нонкўр қизни яхши яшасин, одамлардай кийинсин, есин-ичсин деб шу ишни қилгандим. Бунча ям ношуқур бўлмасанг? Камбағалга текканингда ҳам ҳозир менга таъна қилган бўлардинг. Тўғримми?!

— Ахир, ойижон, у уй нақд зиндоннинг ўзи. Қачонгача чидаш мумкин бундай хўрликларга? Агар биринчи фотиҳам бузилмаганда, албатта, бахтли бўлардим. Менинг ҳам бошқалардек тинчгина, эмин-эркин ҳаёт кечиргим келади, мени ҳам...

— Учир овозингни! Бу уйга қайтиб келишни ҳаёлингга келтира кўрма. Агар шундай қилсанг, сендай болам йўқ дейман, сендан воз кечаман!

Қон йиғлаб, яна ўша хонадонга қайтдим. Вақти-соати етиб, қўзим ёриди. Ўғиллик бўлдим. Юрагимга бироз таскин берди унинг дунёга келиши. Энди она-бола бир-биримизга дардаш эдик. Аммо... Қайнонам ҳам, эрим ҳам болани бирон марта тузукроқ эркалаб, қўллари олиб ўтирмасдилар. Ўғлимни ҳафталаб кўрмасалар-да, қани деб сўрамасдилар. Гўё бир буюм эди у. Ҳатто чақалоқ уларнинг дўқонидаги бир буюмчаллик ҳам қадрли йўқ эди. Тоби қочса ҳам раҳмлари келмас, гўё бу табиийдек беписандлик билан муносабатда бўлардилар...

Мана, мазмунсиз умримнинг йиллари тиби бораёпти. Бироқ ҳаётда нима топдинг деб сўрасалар, қандай жавоб беришни билмайман. Қўшни келинларнинг эътиборда эканини кўриб, уларнинг хуш-хандон чеҳраларига боқиб, ўқиниб кетаман. Аммо сездирмайман. Бир оғиз илқ сўз, меҳр кўрсатишдан кўра, мол-давлатни, бир сўмини қандоқ қилиб кўпайтиришни кўпроқ ўйлайдиган қайнонам ва эрим қачон одамлиликни тан олишади, уйларидаги аёл биз-маткор эмас, бир чиндим ҳақга эрр эканини қачон ҳис этадилар, билмайман. Ҳис эта олишларини тасаввур ҳам этолмайман...

Бошимдан ўтганларини сизга айтишдан мақсадим, муҳтарам оналарга бир гапни айтмоқчиман: вақтида жигарбандингиз қалбига ҳам қулоқ тутинг, ўз орзу-ҳавасларингиз ижобати учун уларнинг бахтини жувонмарг қилманг!..

**ЗЕБОНИНГ ХИКОЯСИНИ
ШАҲЛО ТОШБЕКОВА
ОҚҚА КЎЧИРДИ.**

Бепул маслаҳатлар

Сирли идишларни қайноқ сувга кўп солинса — сири кўчиб ёки ёрилиб кетади.

Металлдан, айниқса, алюминдан ясалган идиш ва асбобларни кум билан ишқалаб ювиш ярамайди. Чунки кум идиш асбобларни қуриб, уларни тез қирланадиган қилиб қўяди.

Ёлғарни мис идишларда сақламанг, сифати бузилади. Ёлғарни, айниқса, сарёғ ва маска ёлғарни қоронгу ерда сақлаш керак, чунки қуёш нури таъсир этса, унда ёғ кислотаси ҳосил бўлади, бу кислота эса инсон организмга зарарлидир.

Сабзавотларни тузга сувда қайнатилса, мазали бўлади.

Сарёғ солинган идиш иссиқ ҳавода шўр сувда ҳўлланган сочик билан ўраб қўйилса, ёғ эримайди.

Овқат тайёрлаётганда ҳиди уйни тугит кетса, печка горелкаси устига бироз туз сепиб қўйинг.

Қизган ёғ сачраб кетмаслиги учун қозонга бир оз туз солин.

СЕРКА КАТТАЕВ тайёрлади.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

СОҒЛИҚ УЛАШИШ ҲАМ УЛУҒ САОДАТ



билан жиҳозланган, — дейди клиника раҳбари. — Умумий қон ва сийдик анализлари ва ИФА таҳлиллари фақат анализаторларда текширилади. Шунингдек, 2010 йилда лизинг асосида ЭЭГ ва Доплер жиҳозларини ўрнатдик.

— Марказимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш амбулатор текширув, кундузги ҳамда суткалик ётиб даволаш асосида ҳам олиб борилди, — дейди клиника бош шифокори, олий тоифали терапевт Зухра Шерматова. — Ҳозирда 30 та шифо ўрни бўлиб, шу давргача 900 нафарга яқин бемор ўз соғлигини тиклади. Хар куни ўртача 50-60 киши амбулатор текширув ва даволашидан ўтади. Даволаш физиотерапия, массаж, мануал муолажалари билан олиб борилди.

— Истиклол ишбилармон ва тадбиркор кишиларга ўз меҳнатидан фохрланиш туйғусини ҳада этди, — дейди Улуғбек Назиров. — Бугунги тадбиркор фақат ўз манфаати учун эмас, балки Ватанига, жамиятга нафи тегаётганидан хурсанд бўлиши керак. Шунинг учун ҳам инсоннинг дардидан даромад орттириш жуда нотўғри. Лекин инсоннинг ўзи ҳам соғлигини қадрлаб, шу соғлиқни тиклаш учун ҳаракат қилмаса, бу ҳам ўринсиз. Шу боис беморлар билан мулоқот қилишга меҳр билан ёндашамиз.

Илҳом РАҲМОНОВ,
“Оила ва жамият” мухбири.

АЖАБ ОЛАМ

ЯНА АНТИҚА КАСБЛАР ҲАҚИДА

Газетамизнинг ўтган сонида касблар рейтингини ҳақида қизиқarli маълумотларни бошлаб кўйгандик. Жаҳон меҳнат бозоридан бир қадар оммалашган ғалати касблардан яна бир нечаси ҳақида маълумот келтирамиз.


Ёстиқ текисловчи. Бу касб эгаси қимматбаҳо меҳел дўконларининг ётоқхона мебели бўлимида хизмат қилади. Унинг вазифаси, иш куни давомида савдо зали атрофида юриб, диванлар устига тўшалган ёстиқ ва ёпинчиқларнинг ғижимланиб қолган жойларини текислаб юришдан иборат. Биласизки, харидорлар ушлаб кўриши натижасида бу каби буюмлар ғижимланиб қолади ва кейин келган харидорда яхши таассурот қолдирмаслиги мумкин.

Тухум ҳидловчи. Бундай ноёб касб киборларга мўлжаллаган қандолатхоналар ва ресторанларда жорий этилган. Бу касб эгаси таомларга айниган тухумлар ишлатилмаслиги учун жавобгар саналади.



Ёлланма қариндош.

Ҳа, шунчаки ҳам учраб туради. Ўтган йили Хитойда ёлланма дўстлар ва қариндошларни топиб берувчи расмий хизмат идоралари ҳам пайдо бўлган. Бу жойга мижозлар асосан, никоҳ тўйи, туғилган кун ёки бошқа маросимлар олдидан муурожаат қилишади. Бу тадбирларда қанча кўп қариндош қатнаша, тўй эгасининг обрўйи шунча ошар экан. Дарвоқе, ёлланма қариндошларни тақдим этиш хизматининг норасмий фаолияти аллақачонлар дунё бўйлаб татбиқ этилган.



Жўжалар жинсини аниқлаш бўйича менежер. Бундай хусусиятли ходим эндигина тухумдан чиққан жўжанинг товуқ ёки хўрозлигини хатосиз аниқлаб бера олади. Жўжа жинсини аниқлангач, шунга яраша овқатланиш рақисони белгиланиб, алоҳида парвариш жорий этилади.

Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш, ҳар томонлама баркамол, соғлом авлодни тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, истиклол йилларида аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатишнинг илғор тажрибалари амалиётга жорий этилди. Айниқса, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизими шаклланди ва ривожланиш босқичига қадам қўйди. Бирламчи соғлиқни сақлаш бўғинлари, жумладан, қишлоқ врачлик пунктлари базаси мустаҳкамланди, улар энг замонавий ташхис қўйиш ҳамда даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Янги тиббиёт технологиялари ишлаб чиқилиб, ўзлаштирилмоқда, тиббиёт соҳаси кадрларини тайёрлаш сифати тобора ошиб бораёпти.

Соҳада олиб борилган кенг қўламли бундай ислохотлар натижасида юртимизда хусусий шифоналар ҳам фаолият юрита бошлади. Чирчиқ шаҳридаги «Axis-Atlant» хусусий клиникаси ана шулар жумласидандир.

— Мен тиббиёт институтининг 4-курсидан ўқиб юрган пайтидаёқ хусусий клиникам бўлишини орзу қилардим, — дейди «Axis-Atlant» хусусий клиникаси раҳбари Улуғбек Назиров. — Ўз соҳасининг биллидон Зухра Шерматова билан танишган, мақсадларимиз муштараклиги аён бўлди. Шу тарихда Чирчиқ шаҳридаги иш фаолияти тўхтаб қолган, таъмирталаб бинони ҳоким қарори билан хусусийлаштириб, даволаш ва диагностика марказини ишга туширдик. Аҳолига малакали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш мақсади-

да фаолиятимизни йилдан-йил кенгайтириб бордик. Энди иш бошлаган 2002 йилда ходимларимиз 7 нафар бўлган бўлса, ҳозирги кунда клиникамизда 48 нафар ходим меҳнат қилаёпти.

Бугун мазкур марказда 13 нафар олий ва биринчи тоифали шифокорлар жамланган. Терапевт Ботирбек Бекмуратов, хирург Валираҳим Шотемиров, невропатолог Назира Одилова, рентгенолог Эгамберди Акбаров ва бошқалар уролог, лор, гинеколог, кардиолог, УЗИ, ЭЭГ, Доплер, лаборатор-диагностик, функционал даволаш йўналишларида ўз билим ва маҳоратларини аямай, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келишмоқда.

— Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, клиникамиз лаборатория, замонавий анализаторлар



Ёшим 38 да. Маълумотим олий. 45 ёшгача бўлган, иши тайин, уй-жойи етарли, диёнатли, ўғлимга оталик меҳрини бера оладиган инсон учраса, турмушга чиқмоқчиман.

ГУЛНОРА,
Тошкент шаҳри.

“Ўғлим Олимбек беш ёшгача соғлом, чопиб-чопқиллаб ўйнаб юрган эди. Ўша йили баҳор серёмғир келди. Бир куни зах жойда ўйнаганим, қаттиқроқ шамоллаб, иссиғи кўтарилди, бешоват бўла бошладим. Тез ёрдам машинасини чақириб, касалхонага олиб бордик. Ойлаб даволанса ҳам, соғайиб кетавермади. Отасининг танишларидан бири таниқли профессорнинг манзилини бериб, «Ўғлингизни шу одамга кўрсатинг» дебди. Излаб топиб бордик. Доктор текшириб кўргач, дастлаб нотўғри ташхис қўйилганини, дори-дармон фойдасиз бўлиб, аксинча, дардин зўрайтирганини айтди. «Вақтни ўтказиб қўйибсизлар-ку, энди муолажалар қор қилармикан?» деди умидсиз оҳангда. Бу сўзларни эшитиб, дунё кўзимга қаронгу бўлиб кетди...

Болагиман юрولмай, ноғиронлик аравачасига ўтириб қолди. Унинг аҳволига қараб бир қуйсам, эртанги тақдирини нечар экан, деб минг қуярдим. Аста-секин тақдирга тан бериб,

кўниқдим. Унга ўқиш-ёзишни ўргата бошладим. Зеҳни ўткирлиги боис ҳамма нарсани тез ўрганди. Мана шунга ҳам 28 йил бўлибди. Олимбекнинг ёши 30 да. Ўзини-ўзи эплайди. Ақлли, фаросатли. Фойдали иш билан шуғулланади. Ўғилнингма ўзига ўхшаган тақдир соҳибаси учраса, оила кўраса... деган умидда сизларга хат ёзаяпман”.

МЕХРИНСО ХОЛА,
Тошкент вилояти.

“Ўйлаб-ўйлаб умид билан хат ёзаяпман. Шу аҳволга тушушимга ўзимни айбдор ҳисоблайман. Вақтида келган совчиларга Рўздатга ишонган, рад жавобини берганман. У Тошкент шаҳрида қайсидир институтда ўқияман деб мени алдаган экан. Олти йил ўқинининг тугашини кутдим. Ота-онам, дугоналарим гўлдай умрининг увол қилма, Рўздат отасига тортган, қутинишга арзимайди, дейишди. Унамандим, қайсарлик билан айтганимдан қолмадим. Отаси у гўдаклигида онаси иккисини ташлаб, бадавлат инсоннинг ногирон қизига уйланиб кетган экан. Онаси қайта турмуш қурмай, Рўздатни деб яшаётган эди. У онасини ниҳоятда ҳурмат қиларди. Ҳаётда қийинчилик кўрган йигит оқибатли бўлади, деб ўйлагандим. Адашган эканман. У ҳеч қандакнинг институтда ўқимас, аллақачон ичкюёв бўлиб

яшаётган экан. Битта қизчали ҳам бўлибди. Шундан сўнг ишончим сўнди... «Оила ва жамият» газетаси орқали ўз тенгини топаётганлар ҳақида ўқиб, мен ҳам бахтли бўлармиканман, деган илинж пайдо бўлди. Ёшим 37 да. Маълумотим ўртамаҳсус. Ишлайман. Турмушга чиқмаганман. 45 ёшгача бўлган, хоразмлик ёки қўшни вилоятларда яшайдиган, зарарли одалардан холи, иши тайин, уй-жойи, виждонли инсон учраса, турмушга чиқмоқчиман

БАРЧИНОЙ,
Хоразм вилояти.”

“Улуғбекнинг онаси бизни-кига меҳмонга келиб, пазандалигимга ҳавас билан мени келин қилмоқчи бўлганди. Биз унаштирилиб, тўй кунимиз белгиланди. Сарполар ҳам қувё томонга жўнатилиб, уйлар жиҳозлаб қўйилганди. Дугоналарим жам бўлиб, косметолог юзимни пардозлашни бошлаб

юборганди. Улуғбек автохалокатга учраб, шу заҳоти жони узилибди, деган шун хабарни эшитиб, хушимдан кетибман. Касалхонада жонлантириш бўлимида ўзимга келдим. Ўша кунлар дунёда мендан-да бахтсиз қиз йўқ эди. Оруз-ҳавасларим сароб бўлиб, сочларимга оқ оралади. Ота-онам қайғумга шерик бўлди. Тақдирга тан бериб, ишга жойлашдим. Йиллар ўтди, дардимга вақт малҳам бўлди. Тўққиз йилдан сўнг холамнинг маслаҳати билан “Оила ва жамият” газетасига хат йўллаб, ёрдам сўрадим. Менга Москвада ишлаб, сўнг ўқиб, Бухорога қайтган Рустамнинг телефон рақамини беришди. У ҳали уйланмаган экан. Тақдирим ҳақида эшитиб, тўйга рози бўлди. Юрак олдириб қўйган эканман, катта тантана билан никоҳ баъми бўлаёпти-ю, бир аҳволда хавотирланиб ўтирибман. Қайнота-қайнонам ҳам яхши инсонлар экан. Ҳозир жуда бахтлиман. Мени тушунган инсон билан тақдиримни боғлаша ёрдам берганларингиз учун сизлардан миннатдорман.

ДИЛҒУЗА,
Навоий вилояти.”

ТАҲРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бево-сита муурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

ОМОНАТ ҚУРИЛМАЙДИГАН ҚЎРҒОН

Мамлакатимизда ҳар бир оилани, айниқса, эндигина қарор топаётган ёш оилаларни мустақамлаш, хонадонларда соғлом турмуш тарзига асосланган ижобий муҳитни яратишга кўмаклашиш барча соҳа вакилларининг устувор вазифаларига киради. Хусусан, бу борада биз адлия тизими ходимлари зиммасида ҳам улкан масъулият турибди.

Таассуф билан айтишимиз керакки, барча юрдошларимиз ҳам ўзига нима фойда-ю, нима зиёнлигини, қай бир иш муҳим-у, қай бири иккиламчилигини фарқлаб етавермайдилар. Шу боис кўпинча бешинчи, олтинчи даражали ташвишлар билан андармон бўлиб, асл мақсад йўлидан адашиб кетадилар. Масалан, яқинда кўринишидан эс-хуши жойида, яна жиддий касб-кор эгаси бўлган бир йигит идорамизга келди. "Шу шанба-якшанба тўй, сизларни таклиф қилгани келдим", деди худди эски қадрдонлардек. Уни негадир эслотмадим, аммо никоҳини қайд эттирган ёшлардан бири бўлса керак-да, деб ўйладим. Йигит секин муддаога ўтди: тўй учун ҳамма нарса тахт экани, ҳатто таниқли хонандаю ажабтовур машинагача тайёрлаб қўйилгани ("Элдан ортда қолмайлик, деймиз-да!"), иш битди деб турганда келин бўлмишининг қаердадир ўқиган акаси "Синглим қонуний никоҳсиз оstonадан ҳатламайди", деб туриб олгани, энди шу ҳафтадаёқ ФХДЁдан ўтиши кераклигини, бошқа йўли ҳам қолмаганини куйиб-пишиб айтди. Унга никоҳни расмийлаштиришининг ўзига хос тартиб-қоидаларни тушунтирсак, энди сизга қотиб, эшитгиси ҳам келмади.

— Аввало, ФХДЁ бўлимига бир ўзингиз эмас, киз билан бирга келиб, ариза ёзишларинг керак.

— Бундан ҳам чекманг! Мен ишни битирай, кейин у ҳам келади имзо-пим-



зо чеккани...

— Бир-бирларингни яна синаб, охириги тўхтамаг келишларинг учун ариза қабул қилинган кундан эътиборан бир ой муҳлат берилади.

— Ойим унинг онасини қирқ йилдан бери синайди, етмайдими шу! Охириги тўхтамаг эса ота-оналаримиз аллақачон келиб бўлишган.

— Тиббий кўрикдан ўтишингизга ҳам уч-тўрт кун кетади...

— Э-я! Бу нима нағмаси яна?

— Ўзингиз бир ёстиққа бош қўяётган киз ҳақида батафсилроқ билишни истамасизми?

— Кўни-кўшнию маҳалла-кўйдан суриштиравериб, билмаган нарсаимиз қолмаган. Кейин, эндигина коллежни битирган кизда анувақа касалликлар... нима қилсин? — унинг тиржайиб қулгани ғашимга тегди, аммо вазирамиз бўлгани

БАХТ ОСТОНАСИ

боис тўлиқроқ маълумот беришга ҳаракат қилим:

— Яшаш жойларингиздаги тиббиёт муассасаларида рухий, наркололик, сил, захм (сифлис), ОИВ/ОИТС касалликлари бўйича текширувдан ўтишларинг лозим. Тиббий кўрик жараёнида никоҳланувчилар ва уларнинг қариндошларида рухий касалликлар бор-йўқлиги аниқланади. Эпилепсия (тутқаноқ), шизофрения, олигофрения каби касалликлар наслдан наслга ўтиш хавфи борлигини унутманг! Сил касалликларининг яширин ёки бошланғич турини аниқлашда кўкрак қафасининг флюоро текшируви қўлланилади. Ҳозирги вақтда бутун дунё муаммосига айланган ОИТС/ОИВ ва захм касалликларини аниқлаш учун қон таҳлили ўтказилади. Бирор касаллик аниқланса, тўйдан олдин керакли тиббиёт муассасасига йўланма берилади. Даволаниб келгачгина, оила қуриш учун руҳсат этилади...

— Ўх-хў! Ҳали даволаймиз ҳам денг!.. Йўқ, сиз билан тил топиша олмайдими, шекилли. Қудалар томондаги ФХДЁ бўлимига бориб кўрайлик-чи, — дея ўрнидан тура бошлади.

Йигитга ҳамма жойда тошу тарози борлиги, ҳўроз бир хил қичқиришини айтди. У хонамдан жилмайиб чиқиб кетди. Ўртимизда жорий этилаётган тартиб-қоидаларнинг барчасида аҳоли манфаатлари кўзланганини қачон англаб етамиз?! Ахир, оила қуришдан олдин тиббий кўрикдан ўтиш ё ўтмасликнинг фойдазиёни, энг аввало, ўзингизга тегади.

Холида АКРОМОВА,
Миробод тумани
ФХДЁ бўлими мудир.

САВОЛ-ЖАВОБ

муҳими, васият қилувчи истаган вақтда муайян нотариал идорага ариза бериш йўли билан ўз қарорини ўзгартириши ёки бекор қилиши мумкин.

Битимларнинг ўзига хос бир тури умрбод таъминлаш шартли билан уй-жой (унинг бир қисмини) бошқа шахсга бериш шартномасидир. Унга кўра, бир тараф («олувчи») ёши ёки соғлиги туфайли меҳнатга лаёқатсиз бўлган бошқа тараф («берувчи») ни натура холида (уй-жой бериш, овқатлантириш, парвариш-лаш ва зарур ёрдам кўрсатиш тарзида) умрбод моддий таъминлаш мажбуриятини, «берувчи» эса «олувчи»га уй-жой (унинг бир қисмини) мулк қилиб бериш мажбуриятини олади.

Умрбод таъминлаш шартли билан уй-жой (унинг бир қисмини) бошқа шахсга бериш шартномасига мувофиқ, «олувчи» битим амал қилиб турган даврда ўша уйни сотиш, ҳада қилиш, гаровга қўйиш ва мулк ҳуқуқини оғирлаштирадиган бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмас. Мабодо «олувчи» шартларни бажармаса, «берувчи» судга мурожаат этиб, шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Хурматли фуқаро И. Содиқовнинг ҳозирги шароити бўйича қонунчилигимизда уч хил ҳолат назарда тутилган. Яъни, уй-жойингизни ҳада шартномаси орқали, васиятнома бўйича ва умрбод таъминлаш шартли билан бошқа шахсга расмийлаштириб беришингиз мумкин. Ўзингиз учун энг мақбул йўлни танланг. Аммо қарорингизни нотариал тасдиқлаштириб қўйишни унутманг!

Саволга Тошкент вилояти адлия бошқармаси бош-лиги муовини Хусан ОЧИЛОВ,
Зангиота туман 3-сонли ДНИ нотариуси
Дилбар АБДУРАЗЗОҚОВА,
Ангрн шаҳар ДНИ нотариуси
Абдурашид БОЙМАТОВ жавоб берди.

Нурбекжон!

Сени 28 сентябрда 15 ёшга тўлишинг муносабати билан табриклаймиз. Ўқишларингга муваффақият, ўзингга мустақам соғлиқ тилаймиз.

Бобонг Наби Мамадиев,
Шахрисабз шаҳри.

Ҳада қилайми ёки васият?

Анча кексайиб қолганман, хотиним вафот этганига ҳам икки йилча бўлди. Болаларимиз турмаган. Ҳозир кўшниллар ва амманнинг қизи, яъни жиянинг ҳолимдан хабар олиб турибди. Уйимни кимга ва қай тарзда хатлаб бериш ҳақида ўйлавериб бошим қотган. Одамнинг олмаси ичиде бўлади: мол-мулкмини бировнинг номига расмийлаштириб қўйсам, кейинги ҳаётим қандай кечисига ким қафолат бера олади? Мендан ҳол-ахвол сўраб туришни бас қилишса ёки кўчага ҳайдаб солишса, нима қилишим мумкин?

И. Содиқов,
Бекобод шаҳри.

— Агар жиянингиз сизга қараб, иссиқ-совуғингиздан хабар олиб турган бўлса, муносабати кейинчалик ҳам ўзгармаслиги-га ишонсангиз, шундагина ҳада шартномасини расмийлаштириб беришингиз мумкин. Бунинг учун уйнинг юридик ҳужжати, БТРУКБ маълумотномаси, маҳалла фуқаролар йиғинидан маълумотнома, қариндошлик фактини тасдиқловчи ҳужжатлар (яқин қариндош бўлса) ва паспорт билан нотариал идорасига бориш керак. Қариндошлар ўртасида шартнома суммасидан 1 фоиз, беғоналар ўртасида эса 10 фоиз микдорда давлат божи ўндирилади. Ҳада шартномасини бекор қилиш эса фақат томонларнинг розилиги билан расмийлаштирилади.

Яна бир йўли — уй-жойни васият қилиб қолдириш. Васиятнома бир томонлама битим бўлиб, фақат васият қилувчи томондан тузилади: имзоланади ва тасдиқланади. Васиятнома бир ёки бир неча кишиларга берилиши мумкин. Энг

Азиз фарзандимиз Шаҳодат!

Таваллуд айёминг муборак бўлсин! Бахтимизга соғ-саломат, қулиб-яшнаб юргин. Келажакда етук инсон бўлиб етишгин. Барча орзу-ниятларинг рўёбга чиқишини Яратгандан сўраймиз. Самимий эҳтиром билан

Оила аъзоларинг.



СПОРТ СПОРТ

Ульяна Олимпиадага йўл олди

Ҳамюртимиз Ульяна Трофимова Франциянинг Монпелье шаҳрида бадий гимнастика бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида голиб чиқиб, ХХХ ёзги Олимпия ўйинларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини кўлга киритди.

Мусобақада олтишга яқин мамлакатдан келган кучли гимнастикачилар совинли ўринлар ва олимпия йўлланмалари учун бахшланди. Қоидага биноан голиблар қўқураш бахслари — ҳалқа, тўп, булава ва тасмада машқ бажариш бўйича умумий натижаларга кўра аниқланди.

Бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Ульяна Трофимова жами 108,375 балл жамғариб, олимпия лицензиясини кўлга киритган энг кучли 15 гимнастикачи сафидан жой олди. Ҳамюртимиз қайд этган натижа осмелик бадий гимнастика усталари ўртасида энг юқори кўрсаткичдир.

Жорий йилда бир нечта мусобақаларда катнашиб, шохсулага кўтарилган Ульяна энди Лондон Олимпиадасига тайёргарлик кўради.

Муайтайчиларимиз муваффақияти

Тошкентда муайтай бўйича ёшлар, катталар ва хотин-қизлар ўртасида давом этаётган жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик муайтайчилар юқори маҳоратга эга эканини намойиш этишмоқда.



«В» гуруҳида иқтидорли муайтайчимиз Фирдавс Ҳошимов 57 килограмм оғирликда қозғонгонлик Адилет Тукенбаевни мағлубиятга учратиб, жаҳон чемпионатининг олтин медалига сазовор бўлди.

Бундан ташқари, спортчиларимиз еттита олтин, бешта кумуш ва еттита бронза медалини кўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринга асосий даъвогарлардан бўлиб турибди.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган кўлемлар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темуру кўчаси 1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20
Котибият: 237-21-82
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Бюортма Г — 928. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 7586. Баҳоси келишилган нарҳда. Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ Саҳифачовчи — Оккул РАҲМОНОВ Мусаҳҳиллар — Саидгани САЙДАЛИМОВ, Мафтуна МИНГБОВА

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 4 5